

334.75(043.3)

T-19

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:334.75

Талибжанова Висола Ибрагимжановна

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ
САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ВА УНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2009



**Диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университетида
бажарилган**

Илмий раҳбар: иктисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович

Расмий оппонентлар: иктисод фанлари доктори, профессор
Икрамов Мурат Акрамович
иктисод фанлари номзоди, доцент
Нуриббетов Равшан Ибрагимович


Етакчи ташкилот **Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон**
Миллий университети

Ҳимоя Тошкент давлат иктисодиёт университети қошидаги иктисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси
буйича Д 067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «17»
апрель соат «9⁰⁰» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2009 йил «16» сентябрь да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
иктисод фанлари доктори, профессор  Б. Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда собиқ иттифоқ тизими даврида “Социализмнинг энг хавfli ва ашаддий душмани ...” деб қаралган мафкураси босими остида сўна бошлаган ва “Ўзбек” модели асосида янгидан шаклланиб, унинг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг ишончли таянчига айланган эркин тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ва жадаллаштириш бўйича мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг 2009 йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2008 йилда Республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида асосланган нуфузли яқунлари, бу соҳада ҳам истифодага киритиш имкониятлари кенглигини ва долзарблигини ифода этди¹ ва улар:

- бу фаолият тури жаҳонда чекланган ресурсларга ўсиб бораётган кенг талабларни қондиришликни самарали сектори сифатида иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий тузилмасига айланиб боришлигидан;

- эркин тадбиркорлик субъектлари жаҳоннинг йирик молиявий институтлари фаолияти билан боғлиқ эмаслиги туфайли глобал иқтисодий инкироз ҳолатларида уларнинг таъзиқига сабр бардошлилик қобилиятининг мустаҳкамлигидан;

- мамлакатимизда бу фаолиятнинг юксалиши учун тегишли қулай шахсий – инсоний ва моддий – ашёвий омилларнинг нуфузини² кенглиги, келажақда унинг иқтисодиётдаги салмоғини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш заруриятидан;

- мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши сифатида бу фаолиятнинг салоҳиятини мунтазам равишда оширишга қаратилган “Кичик бизнесни орқасида Президент турибди” деган қафолатлари ҳамда унинг зикр этилган Вазирлар Маҳкамаси² мажлисида “Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нима халақит бераётганини яна бир бор батафсил чуқур таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор”лигига қаратилган кўрсатмаларидан келиб чиқади.

Бу жиҳатдан мавжуд муаммоларнинг, ҳал этилиши хусусан, унинг иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий таркибдаги номутаносибликларни, давлатнинг қўллаб – қувватлаш ва тартибга солиш механизмидаги айрим носозликларни маҳаллий – маъмурий органларнинг унга нисбатан истезъмолчилик муносабатларини пасаймаганлигини; соҳанинг ўзига хос яқилт марказий ва маҳаллий мутасадди бошқарув органининг тўла шаклланмаганлиги; тадбиркорлик фаолияти истикболини аниқ белгилашда маркетинг тадқиқотлари ва илмий – техникавий башпоратлар даражасининг сустлигини; мафкуравий ўзгаришлар билан боғлиқ янги иқтисодий

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни нэчил давом эттириш давр талаби. Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

² Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

муносабатлар мамлакат қонунчилиги ва норматив ҳужжатларида ўз ифодасини тўла топишлигини тартибга солиш билан боғлиқ. Мазкур йўналишда бажарилган илмий тадқиқот ва таҳлилларда бу фаолиятнинг салоҳиятини оширишга ижобий таъсир этувчи янги ижтимоий – иқтисодий муносабатларни четда қолиши унинг барча қирраларини яхлит, узвий, ўзаро боғланган ҳолда таҳлил этишни ва асосланган илмий – амалий хулосалар қирғишини тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эркин тадбиркорлик фаолиятининг уй ҳўжалиги доирасида шаклланиб, иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланиш қондалари ва унинг ривожланиш диалектикаси жаҳоннинг йирик иқтисодчи олимлари томонидан мунтазам равишда ўрганилиб унинг истикболига муҳим ҳисса қўшиб келишган.

Бу жиҳатдан иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар олимларидан А.Смит, Д. Рикардо, П. Голме, Г. Кангильон, А. Тюрге, Ф. Кене, В. Петти, И.Кириенер, Р. Коиз, Х. Ламперди, К.Р. Макконелл, Ф. Фон Хайк, Д. Хизрич, М. Питерс, А.Хоскинг, И.Шумпетер ва бошқаларнинг асарлари алоҳида нуфузга эга.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан унинг мослашувчанлиги ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммолари билан мустақил шугулланиши ва уларни чуқурлаштириш, ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодчи олимлари кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш имконияти туғилди ва бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Россия олимлари Л.И.Абалкин, Н.Аристер, В.Афанасев, С.Ф.Борисов, А.Д.Бусижна, А.О.Билинова, В.С.Гатинцов, А.Василенский, Р.Рютенгер хизматлари алоҳида урғу бериш зарур.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини таркиб топиш хусусиятлари ва уни ривожлантириш омилларига бағишланган қатор муаммолар ва уларнинг ечимига муносабатлар С.Ғуломов, М.Шарифходжаев, О.Хикматов, Р.Хусанов, М.Икрамов, А.Қодиров, Б.Ходиев, Н.Махмудов, М.Махкамова, М.Турсунходжаев, Д.Раҳимова, А.Ўлмасов, Н.Йўлдошев, Р.Олимов, Р.Каримов, Ш.Зайнутдинов, М.Пардаев, З.Худайбердиев, К.Муфтайтидинов, Р.Гайбуллаев, Т.Шарифулина, Д.Тростоянский, Р.Нуримбетов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Эндиликда мамлакатимизда тарихий, мантикий бирлик ва аниқ бозор иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиқиб эркин тадбиркорлик фаолияти давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир шароитда янги тафаккур асосида унинг салоҳиятини баҳолаш ва оширишга қаратилган назарий-услубий ёндашишлар ва илмий-амалий хулосалар яратилиши ва зарурияти диссертация иши мавзусини долзарблигини мақсад ва вазибаларини, услубий йўналишини, унинг таркиби мўтадиллигини, мантикий теранлигини ифода этади.

Диссертация ишининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг илмий – асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий – тадқиқот ишлари дастури билан бевосита боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертация ишининг мақсади - бозор иқтисодиёти шароитида эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятининг оширилиши ва бошқарилишининг назарий-методологик асосларини ўрганиш ҳамда муаммолари ечимининг таъминланиши юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Эркин тадбиркорлик фаолиятининг таркиб топиши ва юксалишини таъминловчи хўжалик субъектлари ва иқтисодий институтлар – тадқиқот объекти, бозор иқтисодиётининг чуқурлашиши даврида эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини оширишни тартибга солиб турувчи ташкилий иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усули. Эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини баҳолаш ва стратегик йўналишни белгилашда тарихий – мантиқий, социологик, башорат қилиш, статистик, математик экстраполяция, абстракт, анализ ва синтез каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг гипотезаси. Эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини оширишга қаратилган бозор муносабатларини, давлатнинг тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш механизмларини такомиллаштириш орқали соҳани иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, жаҳон глобал иқтисодий инкирозлари шароитида унинг барқарорлигини таъминлаш стратегиясини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Хорижий ва мамлакатимиз олимларининг тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий мазмуни ва унинг фаоллашиши юзасидан бажарилган тадқиқотлардаги хулосалар ва бозор иқтисодиётининг ўзига хос тамойилларини ифода этган мамлакатимиз тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш бўйича Ўзбекистон Президентини И.А.Каримовнинг асарларидаги кўрсатмалар ва уларни истифодага киритиш бўйича қабул қилинган республика ҳукумати қарорлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бағишланган илмий-методик адабиётлардаги тақлифлар ҳисобланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг назарий ва методологик жиҳатларини янги тафаккур асосида идрок этиш;
- эркин тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришга таъсир этувчи ишлаб чиқариш омилларининг ўзига хос хусусиятлари;
- тадбиркорлик фаолиятида юз берган таркибий ва ҳудудий силжишларини жаҳон андозалари асосида баҳолаш;
- эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини бозор мувозанатининг тебраниши асосида башорат қилиш ва уларни таъминлаш механизмлари;
- эркин тадбиркорлик фаолияти бошқарилишини такомиллаштиришга концептуал ёндашув ва уни “маҳалла” бошқаруви фаолиятининг иқтисодий негизи сифатида асослаш.

Ишнинг илмий янгилigi. Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида тадбиркорлик фаолиятини баҳолашга методологик жиҳатдан ҳозирги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятдан фарқланишини ҳисобга олиб, уни

“эркин тадбиркорлик фаолият” деб аталиши ва унга иқтисодиётнинг мустақил таркибий тузилмаси сифатида ёндашиш, унинг башорати ва салоҳиятини ошириш механизмлари бўйича тавсиялар берилган. Шунга қўра тадқиқот давомида эришилган янгиликлар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- бозор иқтисодиёти шароитида эркин тадбиркорлик фаолиятини мамлакатимизда ўзига хос хусусиятлари талаб ва тақлиф қонунлари асосида шаклланиши аниқланган;

- эркин тадбиркорлик фаолиятининг жамият иқтисодий тараққиётидаги тутган ўрнига баҳо берилган;

- эркин тадбиркорлик фаолиятини «иқтисодий категория» «ишлаб чиқариш омили» тушунчасидан фарқли ўлароқ мустақил хўжалик субъекти сифатида баҳоланиши илмий жиҳатдан асосланган;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янги йўналишлари – касаначилик, сервис, хизмат кўрсатиш ва хусусий чорвачилик касблари хисобига кенгайтириш имкониятлари асосланган;

- эркин тадбиркорлик фаолиятининг инфратузилмаси таркибидаги силжишлар ва ўзаро боғланишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосланган;

- тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг башорати ва салоҳиятини ошириш механизмлари тавсия этилган;

- эркин тадбиркорлик фаолияти, фуқаролар ўзини – ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла» фаолиятининг иқтисодий негизи сифатида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

- тадбиркорлик фаолиятининг турлича баҳоланиши бир тизимга келтирилиб, у иқтисодиётнинг мустақил эркин тадбиркорлик тузилмаси сифатида асосланганлиги;

- тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишида давлат мулкни хусусийлаштириш жараёни унинг моддий манбаи сифатида кўрилган;

- тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини ошириш ва башорати учун тақлиф қилинган механизмларни киритиш унинг самарадорлигини ошириш манбаини мустаҳкамлаши;

- «Маҳалла» иқтисодиётининг шаклланиши ва бошқарилиши бўйича тавсиялар, маҳалла доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий негизи барқарорлиги таъминланишига қаратилган.

Тадқиқот ишнинг натижаларини амалиётга татбиқ этилиши.

Тадқиқот бўйича олинган хулосалар, тақлиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (15 февраль 2008 йил №10 – 15 Ко), Чилонзор тумани Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла жамғармаси”, “Учинчи чарх Комолон” фуқаролари йигини томонидан татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот ишнинг натижаларини татбиқ этиш. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари мамлакатимизда ўтказилган бир қатор халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари, хусусан, Ўзбекистон фанлар академияси иқтисодиёт институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фрадрек Эберт номидаги жамғарма Германия томонидан

ташқил этилган «Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференцияларда асосланган ва акс эттирилган. Диссертация иши шунингдек Андижон муҳандислик – иқтисодиёт институти (Андижон, 2008 й.) Тошқент Молия институти (Тошқент, 2008 й.) илмий семинарларида, ҳамда Тошқент давлат иқтисодиёт университети муаммовий илмий кенгашида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами ҳажми 9,5 босма табоқдан зиёд бўлган 10 та мақола ва маъруза тезислари илмий журналлар ва тўпламларда чоп этилган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқил топган. Диссертация ҳажми жами 153 бетдан иборат бўлиб, унда 14 жадвал, 7 расм, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалар мужассамланган.

Диссертациянинг **кириш** қисмида муаммонинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти эътироф этилган.

Диссертациянинг **“Бозор иқтисодиёти тизимида эркин тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва ташқил этиш”** деб номланган биринчи бобида эркин тадбиркорлик фаолияти даромад келтиришга қаратилган инсонларнинг ўзаро илк иқтисодий муносабатлари тавсифини, ифода этувчи жараён, инсониятнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиётининг муҳим моддий манбаи сифатида кўриланган, ҳамда унинг юксалишига иқтисодий илмий – назарий таълимотларининг таъсири ва ўрни кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши диалектикаси”** деб номланувчи иккинчи бобида Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг “Ўзбек” модели асосида таркиб топишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, унда юз берган прогрессив силжишлар, қулай моддий – ашёвий, шахсий – инсоний омилларнинг таъсири остида иқтисодиётнинг муҳим таркибий тузилмасига айланганлиги таҳлил қилинган ва ундаги муҳим муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Эркин тадбиркорлик фаолиятининг истиқболи ва уни бошқариш механизмлари”** деб номланувчи учинчи бобида Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолияти истиқболлини белгилашга асос бўладиган воситалар, иқтисодиётни рақобатбардошлиги шароитида истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, давлат мулкани хусусийлаштириш ва бошқарилиши, давлатнинг тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш механизмидаги мавжуд носозликларни тартибга солиниши, соҳанинг узок муддатга мўлжалланган башоратининг параметри кўрсаткичларини ҳаракатга келтиришга ва унинг салоҳиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш механизмлари бўйича услубий ёндашув ва тавсиялар берилган.

Диссертациянинг якуний қисмида асосий хулоса ва тақлифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацияда иқтисодий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятининг туб мазмуни инсонларнинг даромад топиб турмуш фаровонлигини узлуксиз таъминлаб туришининг самарали, кенг камровли ва ишончли манбаси сифатида унинг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Саноати ривожланган мамлакатларда мазкур субъектлар маҳсулотларининг рақобатбардошлик салоҳияти юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, у саноат маҳсулотлари экспортининг Италияда – 60 фоиз, Францияда 50 фоиз, Германия, Голландия ва Японияда 40 фоизни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда эса бу фаолият тури эндиликда шаклланиб тез сураътлар билан ривожланиб бораётгани талаб даражасида эмаслиги, унинг улуши мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 48,2 фоизини³ ташкил этсада, унинг таркибида қишлоқ хўжалиги субъектлари сони 70,6 маҳсулотлар ҳажми – 47,0 фоизига тенг бўлиб, унинг аксарият қисми деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 6,7 фоизини ташкил этиши четдан маҳсулотлар импорти ҳажмини кўпайтирмоқда. Бундай номунасобибликлар тадбиркорлик субъектларининг мазмуни ва мақомини услубий жиҳатдан аниқ белгиланиши билан ҳам боғлиқ эканлиги ишда алоҳида ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан мамлакат Президент И.А. Каримов Республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси асосида қабул қилинган “2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий тарқорор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мажлисининг Қарори⁴да, “Тадбиркорлик ва кичик бизнесни мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга... йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш” бўйича белгиланган вазифалари, эркин тадбиркорлик фаолиятини баҳолашга атрофлича ёндашишни таказо этади.

Шунга монанд ишда дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларда иқтисодий фаолиятининг “ўрта” ва “кичик” бизнес тури сақланиб унинг доираси тармоқлар бўйича 500 тагача банд бўлган кишилар сони, ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан ўлчангани ҳолда, Республикаимизда аввалгисидан фарқли ўлароқ, унга “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” мақоми берилиб тармоқлар бўйича банд бўлганларнинг энг юқори кўрсаткичи эндиликда 100 кишидан ошмаслиги белгиланган.

Ишда эркин тадбиркорлик фаолиятининг тадқиқотчилар орасида мунозара доирасида қолаётган таърифи ва “иқтисодий категория”, “ишлаб чиқариш омили”га мансублиги бўйича ёндашувлар таҳлилига эътиборан кичик тадбиркорлик фаолияти ҳам худди йирик ишлаб чиқариш

³ Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

⁴ Халқ сўзи, 2009 йил 17 февраль.

субъектлари сингари ишлаб чиқариш омилларига, иқтисодий конун ва категорияларга таянишини ва уларнинг талаблари асосида ривожланишини эътироф этади. Шунга кўра, эркин тадбиркорлик шахсий ташаббусга асосланган ўз мол – мулкдан юқори даромад олишга манфаатдор ва унинг хавф – хатарларига бардошли бўлган, қонунлар доирасида фаолият юритадиган ва ҳақ – ҳуқуқлари кафолатланган бозор ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқарилишининг мустақил фаолият туридир. Шу боис, ҳаракатдаги қонунларининг, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ташкил этиш, бошқариш назорат ва химоя этиш механизмларининг унинг салоҳиятини оширишга таъсирчанлик жиҳатлари ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ишда эркин тадбиркорлик фаолияти ташкил этилишининг илмий – назарий асосларини таҳлил этишда Ғарб иқтисодий назарияси мактабларининг таниқли намоёндаларининг иқтисодий таълимотлари муҳимлиги билан бир қаторда, улардан бир неча аср аввалроқ иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишига Шарқ қомусий олимлари таълимотлари (Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё) хусусан ватандошларимиз – Қомусий олимлар ва мутафаккирлар Абу Райҳон Берунийнинг “Минерология”, Бурҳониддин ал Марғинонийнинг “Хидоя” асарларида, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Нақшбандия” таълимотларида, Соҳибқирон Амир Темурнинг “Тузуқлари” даги ўғитлари чуқур из қолдиргани ва катта ҳисса қўшганлиги эътироф этилган. Айниқса Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба қор”, – “Дилинг Оллоҳда қўлинг меҳнатда бўлсин” қабилдаги таълимоти эса чуқур иқтисодий ва маънавий мазмунга эга бўлиб, у машҳур инглиз иқтисодчи олими Вильям Петтининг “Бойликнинг отаси меҳнат, онаси ер” деган таълимотидан тўрт аср аввал зикр этилишига қарамасдан, иқтисодий таълимот сифатида Ғарб ва Ватан адабиётларида ҳали муносиб ўрин эгалламаганлигига эътибор қаратилган.


Ишнинг муҳим жиҳати Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг таркиб топиши ва юқсалиши амалга ошириладиган ижобий макроиқтисодий сиёсатларнинг таркибий қисми сифатида уларнинг узвий боғлиқлик хусусиятлари таҳлил қилинганлигидадир.

Бу жиҳатлар иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи бўлмиш ялпи ички маҳсулот юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топган бўлиб, унинг йиллик ўсиш суръати 2000 йилда 3,8 фоизни ташкил этиб 2001 – 2003 йилларда 4 фоиз, 2004-2007 йилларда 7 фоиз, 2007- 9,5 фоиз 2008 – 9,0 фоиздан юқори бўлган⁵. Диссертацияда бундай иқтисодий юқсалишга мос ҳолда эркин тадбиркорлик фаолиятининг кенг авж олишига асос бўлган омиллар кенг таҳлил қилинган.

Эндиликда эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини оширишга давлат томонидан белгиланган ишончли чора тадбирлар хусусий соҳани иқтисодиётда тугган мавқеини оширмоқдаки у мамлакат иқтисодий йўналишини белгиловчи асосий мажмуага айланиб бормоқда. Шу туфайли мажкур фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг сон ва миқдор

⁵Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

кўрсаткичларида жиддий ижобий силжишлар юз бергани ишда таҳлил этилган, у 1-расмда ўз ифодасини топган.



Манба: Давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-расм. 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланиш диаграммаси

Унга кўра, эркин тадбиркорлик субъектларининг 85 фоизига яқинини кишлоқ хўжалиғи, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил этгани ҳолда, унинг муҳим тармоқлари, шу жумладан, саноат соҳаларининг ривожланиш ҳолати ҳали, талаблар даражасида эмас. Бу жараён унинг таркибий тузилмасини ифода этувчи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича эркин тадбиркорлик фаолиятининг таркибий тузилмаси (2007 йил), %

| Тармоқлар | Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуғи | Ялпи ички маҳсулотдаги улуғи | Тадбиркорлик фаолиятининг таркиби |
|---|---|------------------------------|-----------------------------------|
| Жами | - | 45,7 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | |
| саноат | 12,9 | 3,1 | 6,7 |
| кишлоқ хўжалиғи | 97,5 | 21,4 | 46,7 |
| курлиш | 53,7 | 2,9 | 6,4 |
| транспорт ва алоқа | 70,0 | 7,7 | 17,0 |
| савдо | 47,2 | 4,4 | 9,7 |
| бошқа тармоқлар | 50,3 | 5,5 | 12,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқ ва экспорт операциялари | 6,4 | 0,7 | 1,3 |

Манба: "Статистическое обозрение Узбекистана за 2007 г" статистик тўплам маълумотлари асосида ҳисобланиб тузилган.

Бу кўринишда қишлоқ хўжалиги соҳаси устуворликка эга бўлиб, жамики маҳсулотларнинг 47,0 фоизини ташкил этгани ҳолда, унинг салоҳиятини белгиловчи саноат йўналиши эса фақат 6,7 фоиз даражасида қолиши, унинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Аммо, бу фаолият субъектларининг иқтисодийнинг муҳим тармоқларига шиддат билан кириб бориши уларнинг мавқени янада мустаҳкамламоқда ва туб ижобий силжишларга асос бўлмоқда. Уларнинг кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2- жадвал

Ўзбекистон Республикаси эркин тadbиркорлик фаолиятидаги силжиш кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | |
|--|--------|--------|--------|--------|--------|--------|-------------------|--------|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| Эркин тadbиркорлар субъектлари сони | 183,0 | 201,9 | 239,5 | 257,8 | 263,8 | 268,6 | 346,1 | 422,3 |
| Тadbиркорликда банд бўлган аҳоли сони улуши (минг) | 4483,8 | 4842,5 | 5086,9 | 5436,7 | 5974,9 | 6679,0 | 7258,6 | 7762,8 |
| % | 50,0 | 53,0 | 54,5 | 56,7 | 60,3 | 65,3 | 69,3 | 72,3 |
| Тadbиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши % | 31,0 | 33,8 | 34,6 | 35,5 | 35,6 | 38,2 | 42,1 | 45,7 |
| Тadbиркорликнинг умумий инвестициялардаги улуши % | 19,8 | - | 28,2 | 27,4 | - | 22,1 | 25,2 | 19,9 |
| Экспортдаги улуши % | 10,2 | 9,3 | 7,5 | 7,3 | 7,2 | 6,0 | 10,7 [*] | 14,8 |

2-жадвал маълумотларида мазкур фаолиятнинг сон ва миқдор жиҳатдан жадаллашгани унинг 2007 й. ЯИМдаги 45,7 фоизни, 2008 й 48,2 фоиз иқтисодийда банд бўлган аҳолининг – 72,3 фоизини, 2008 й 76,0 фоиз умумий инвестицияларнинг – 19,9 фоизини, мамлакат экспортининг – 15 фоизи, импортнинг – 34,5 фоизини, ҳамда уларнинг сони 422,3 мингтага⁶ етиб, 2000 йилга нисбатан 2,3 марта кўпайгани, ва барча очилган ишчи ўринларини 2/3 қисмидан ортигини ташкил этганлиги кўрсатилган. Мазкур фаолият таркибининг иқтисодий тармоқлар бўйича нисбати даражаси уларнинг салоҳияти ва салмоғи муҳимлигини ифода этади. Унинг динамикаси 3-жадвалда келтирилган.

⁶ Правда Востока, 1 марта 2008г

Кичик тадбиркорлик фаолияти махсулотларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўзгариши (фонзда)

| Тармоқлар | Йиллар | | | | | | | |
|--------------------|--------|------|------|------|------|------|------|------|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 |
| Ялли ички махсулот | 31 | 33,8 | 34,6 | 35,7 | 36,5 | 38,2 | 42,1 | 45,7 |
| Саноат | 14 | 14,5 | 14,1 | 15,9 | 10,1 | 9,8 | 10,0 | 12,5 |
| Қишлоқ хўжалиги | 73,6 | 75,6 | 76,4 | 81,0 | 81,1 | 84,7 | 94,2 | 97,5 |
| Қурилиш | 36,8 | 36,8 | 41,3 | 40,8 | 49,8 | 49,4 | 51,0 | 53,7 |
| Савдо | 45,3 | 45,8 | 43,8 | 44,8 | 42,2 | 44,0 | 45,3 | 47,2 |
| Хизмат кўрсатиш | 37,9 | 39,9 | 41,3 | 44,9 | 47,9 | 52,0 | 50,8 | 50,5 |
| Юк ташини | - | 32,9 | 38,7 | 45,9 | 46,1 | 52,4 | 63,6 | 70,0 |
| Йўловчилар ташини | - | 49,2 | 54,9 | 63,6 | 63,4 | 65,3 | 67,4 | 85,4 |

Манба: Давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Кўрилаётган даврда соҳа ва унинг тармоқлари (саноат ишлаб чиқаришидан ташқари) иқтисодий ривожланишидаги мавқеи мунтазам равишда ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бундай силжишлар кичик корхоналар ва микрофирмалар таркибида қўшилган қиймат махсулотларини ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришга устуворлик бериш ҳамда ҳудудларнинг бу йўналишидаги салоҳиятини ошириш амалиёти бевосита боғлиқлиги ишда аниқланган.

Деярли барча вилоятларда соҳанинг иқтисодиётдаги даражаси ўтган йилга нисбатан юқори бўлган. Бунда қишлоқ хўжалиги устуворликка эга бўлган ҳудудларда мазкур фаолиятнинг ҳудудий ички махсулотдаги улуши юқорилигича қолиб, у ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларга, шахсий томорқа хўжалиқларини деҳқон хўжалиқларига айлантириш орқали содир бўлса, саноати ривожланган ҳудудларда эса - ўта ихтисослашган йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган тор доирадаги товарларнинг, мамлакатимизга хориждан оқиб келаётган кенг истеъмол товарларга нисбатан рақобатбардошлик даражасининг паслигидадир.

Эркин тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши мамлакатимизда муаммо бўлиб келаётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш салоҳиятига ҳам ишда алоҳида эътибор қаратилиши иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 76,0 фоизи шу соҳада фаолият юритиши билан боғлиқ бўлиб унинг самарадорлигини ифода этади. Бунинг замирида соҳага сарфланадиган сармояларнинг нисбатан арзонлиги ётади. Зеро, унда бир ишчи ўрнини яратишга ўртача минг доллар атрофида харажат қилинса, иқтисодиётнинг юқори технологиясига асосланган машинасозлик соҳаларида у 120 – 140 минг

доллар ҳажмида қайд этилмоқда⁷. Бу жиҳатдан эркин тadbиркорлик фаолиятининг жадаллашиши ва самарадорлигига таъсир этувчи янги фаолият шакллари – касаначилик, шахсий чорвачилик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мамлакатимизда 2008 йилда янгидан яратилган қўшимча 661 минг⁸ иш ўринларининг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларида очилди. Жамики, иш ўринларининг 57 фоизига яқини кичик бизнес 33,3 фоизи сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 15 фоизи касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда, хусусан Европада касаначиликда жами ишловчиларнинг 8,2 фоизи, Россия Федерациясида аҳолининг 1,7 фоизини ташкил этгани ҳолда, мамлакатимизда у 0,2 фоиз даражада қайд этилиши Республикаимизда 2010 йилга келиб, унда банд бўлганлар сонини 250 мингга етказиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга ва унда банд бўлган аҳолининг сонини қарийб 7 баробарга кўпайтириш вазифасини белгиланганлиги тўла асосга эга. Зеро ҳисоб башоратимизга кўра, яқин келажакда касаначилик соҳасида иш ўринларини 450 мингга етказиш имкониятига эга эканлиги аниқланган. Шунингдек, мамлакатимизда ем - хашак билан таъминлаш ҳисобига қорамоллар сонини ҳозирги 7 млн. бошдан келажакда 10 млн. бошга етказиш имконияти қишлоқ жойлардаги ҳозирги 3 млн. қишлоқ оилаларининг бир бош бўрдоки қорамолнинг боқилишини рағбатлантириш ҳар бир оиллага йилига ўртача бир ярим миллион сўм атрофида даромад келтириш манфаатлари билан узвий боғлиқ. Шунга муносиб тарзда фақат 2008 йилнинг ўзида қорамол боқувчи сифатида шугулланишни истаган рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1,1 миллион⁹ нафардан ошиб кетиши бу йўналишда юз берган жиддий силжишларни эътироф этади.

Эркин тadbиркорлик фаолияти салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш ҳар қандай иқтисодий тизимдаги бозор инфратузилмаларининг бевосита ва билвосита таъсир доирасида унинг таркибий тузилмалари ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш асосида юз бериши билан боғлиқ эканлиги ишда атофлича таҳлил қилинган.

Бу жараёнда хўжалик субъектлари 20га яқин шундай инфратузилмаларнинг, айниқса Ўзбекистон Савдо-Саноат Палатаси, сугурталаш компаниялари, банк – молия тизими, лизинг, аудиторлик, инжиниринг тузилмаларининг хизматларидан фойдаланишлари муҳим силжишлардан ҳисобланади.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тadbиркорларнинг манфаатларини мамлакатимиз ва хорижда ҳам ҳимоя қилишга, уларни халқаро майдонга чиқишига кўмаклашишга қаратилган фаолият ўз самарасини бермоқда. Шунингдек ишда мамлакатимизда сугурта бозорининг ҳам тadbиркорлик хавф – хатарини пасайтириш ва унинг

⁷ Вахобов А. В. Бозор муносабатлари тизимидаги иқтисодий фондлар. Иқтисод фанлари доктори диссертацияси. Тошкент 2001 й, 293 бет.


⁸ Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

⁹ Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

химоясини таъминлашдаги фаолиятнинг самарадорлиги ўзгараётган бозор шароитга мослашувчанлигини ва такомиллашувини таъминлаш зарурияти билан белгиланиши эътироф этилган.

Эркин тадбиркорлик инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисми – банк тизими соҳаси салоҳиятидан унумли фойдаланиш жиҳатлари ишда атрофлича таҳлил этилган. Бунда эркин тадбиркорликни моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлашнинг муҳим воситаси кредит бериш, айниқса микрокредитлаш тизимининг таркибий қисми “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки берадиган имтиёзли кредитларнинг ижобий таъсири кўрсатилган.

Зеро, эркин тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун ажратилган кредит маблағлари ҳажми мунтазам равишда ошиб бориб 2000 йилда тижорат банклари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 96, 0 млрд сўмдан, 2006 йилда 607,2 млрд сўмга 2007 йилда эса ҳисобимизга кўра - 826,0 млрд сўмга ёки бир йилда 36 фоизга кўпайишида намоён бўлган. Бу маълумотлар динамикаси 2 расмда келтирилган.



Манба: Давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

2-расм. Эркин тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 2000 – 2007 йилларда берилган кредитлар ҳажми динамикаси

Тадбиркорлик тизимида истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини муҳофаза этиш, рақобатбардошлик муҳитини яратиш хорижий мамлакатлар тажрибасини умумлаштириш орқали таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб хулосалар қилинган. Шу жиҳатдан Жанубий–Шарқий янги индустриал мамлакатларнинг, айниқса кейинги йилларда Хитой Халқ Республикасининг орттирган тажрибалари жиддий бўлиб, эндиликда унинг товарлари саноати ривожланган мамлакатларниқидан жаҳон бозорларида устуворликка эга бўлиш тажрибалари умумлаштирилган.

Аммо республикаимизнинг аксарият иқтисодий тармоқлари йирик корхоналаридан таркиб топиши, монополлашув даражасини кучайтириб,

ракобатбардошлик салоҳиятини заифлаштириш хориждан маҳсулотлар импортини салмоғини оширишга, истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатлари камситилишига асос яратмоқда. Бунга қарши ўлароқ “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (1996 йил 26 апрел) мамлакатимизда истеъмолчилар талабларининг ҳимоя қилиниши қайд этилиб, бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир ишлар жадаллаштирилиши белгиланганлиги, ишда, шу мақсадда ташкил этилган Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси фаолияти самарадорлигини таҳлили, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари камситилганлиги ҳақидаги 2007 йилдаги мурожаатлари кўрилиб, уларнинг 95 фоизидан зиёдроғи унинг аралашуви туфайли ҳал этилиб, 12 млрд сўмдан зиёд¹⁰ келтирилган зарар қопланганлигини кўрсатди.

Айниқса, унинг асосли хулосалари Республика Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун¹¹ лойҳасини киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бу қонунни (2007 й. 3 май) имзолаганлиги, Федерациянинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш жараёнига ва хавфли касалликларнинг олдини олишга қўшган аҳамиятли ҳиссаси сифатида баҳоланган.

Ишда, истеъмолчиларни айрим соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига жиноятлар учун махсус “Истеъмолчиларнинг ижтимоий ва маънавий ҳуқуқлари” ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик” моддалари киритилиб, уларнинг мазмунини аниқ ифодаланганлиги жавобгарлик турлари қонун ва меъёрий ҳужжатларда аниқ келтирилиши лозимлиги таъкиф этилган.

Хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган давлат бошқарув идоралари ва бозор институтларида маъмурий расм – рўсумларни (процедура) бажариш бўйича юқори даражада қолаётган бизнес харажатларини камайтириш, турли хил жарима санкцияларини қартибга келтириш, тadbиркорларни ҳимоя қилувчи суд, айниқса хўжалик суди тизимини мустаҳкамлаш зарурлиги эътироф этилган;

Ишда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш эркин тadbиркорлик фаолиятининг хусусий мулк таркибида ривожланишининг моддий асоси сифатида кўрилган бўлиб унда юзага келган муаммолар ечимини таъминловчи механизмларнинг таъсирчанлиги ҳам таҳлил этилган. Хусусан:

-давлат мулкни хусусийлаштириш ва кейинги даврда хусусийлаштирилган корхоналар устидан бошқариш, ваколат ва назоратлар давлат тасарруфидан демократик тамойиллар асосида шахсий мулкдорларга топшириши жараёнида содир бўлган зиддиятлар аниқланганлиги ва бу Президент И.А.Каримов маърузаларида “Баъзи янги мулкдорлар давлат

¹⁰ Правда Востока, 25 января 2008 г.

¹¹ Халқ сўзи, 2007 йил 23 март.

мулкни арзон нархларда сотиб оляптию, ундан оқилона фойдаланиш, самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи ечилимаяпти¹², шунингдек “Минг авфусуки, мазкур акциядорлик компанияларининг кузатув кенгашлари, тафтиш комиссиялари деярли ишламайди улар номигагина қолиб кетмоқда”¹³ деб таъкидланган ҳулосаси билан боғлиқ;

- эркин тадбиркорлик субъектлари салоҳиятининг аксарият қисми фермер ва дехқон хўжалиқларига мансуб эканлигини инобатга олиб уларда тўпланиб қолган муаммолар ечимига ҳам ишда алоҳида эътибор қаратилган. Бу аънанага айланиб муаммолигича қолаётган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг моддий ва молиявий ресурслар бозорига эркин ҳолда кириб боришининг қонунлар мавжудлигига қарамадан, тўла тامينланмаганлигида юз бермоқда. Шунингдек маҳсулотлар харажатларининг шаклланишини белгилайдиган нархлар даражаси ва уларни харид нархлари ўртасидаги муайян тафовутлар бозор конъюнктурасини ифода этувчи талаб ва таклиф қонунига мувофиқ шаклланадиган бозор механизми асосида тартибга солишни тақозо этади.

Диссертация ишида эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини оширишнинг иқтисодий механизмларини истифодага киритиш ва унинг истикболини белгилаш билан боғлиқ методологик ёндашувлар хусусияти ҳисобга олиниб, бу фаолият башоратининг параметр кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва улар 4-жадвалда акс эттирилган.

4-жадвал

Ўзбекистон эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятининг башорати

| Йиллар | Аҳоли ва бандлик сони (минг киши) | | | | Инвестиция ҳажми (млрд сўм) | | Янги ички маҳсулот ҳажми (млрд сўм) | | |
|--------------------------|-----------------------------------|-------------------------|--|--------------------------------------|-----------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------|-----------------------------------|--------------------------|
| | Аҳоли сони | ундан меҳнат ресурслари | шу жумладан, иқтисодийёт да банд бўлганлар | ундан, тадбиркорликда банд бўлганлар | Жами | шу жумладан тадбиркорлик фаолияти | Жами | шу жумладан тадбиркорлик фаолияти | унинг жами ЯИМдаги улуши |
| 2009 | 27450,7 | 15317,5 | 10844,4 | 7103,1 | 4895,0 | 1081,8 | 26460,0 | 12965,4 | 49,0 |
| 2010 | 27780,0 | 15557,0 | 11014,3 | 7214,4 | 4913,6 | 1085,9 | 26560,0 | 13280,0 | 50,0 |
| 2011 | 28113,4 | 15687,2 | 11106,5 | 7274,8 | 5286,7 | 1168,4 | 28576,8 | 15460,8 | 52,0 |
| 2012 | 28450,8 | 15875,5 | 11240,0 | 7362,2 | 5709,5 | 1262,0 | 30863,0 | 16666,0 | 54,0 |
| 2013 | 28792,0 | 16066,0 | 11374,7 | 7450,4 | 6166,4 | 1362,7 | 33332,0 | 18666,0 | 56,0 |
| 2014 | 29137,7 | 16258,8 | 11511,2 | 7540,0 | 6659,7 | 1471,2 | 35998,6 | 20879,2 | 58,0 |
| 2015 | 29487,3 | 16454,0 | 11640,0 | 7624,2 | 7192,5 | 1589,5 | 38878,5 | 23327,0 | 60,0 |
| Ўсиш 2005 йилга нисбатан | 112,1 | 115,0 | 114,2 | 114,2 | 238,7 | 238,8 | 255,6 | 401,8 | 157,0 |

Манба: муаллиф ҳисоб – китоблари

¹² Халқ сўзи, 2007 йил 9 декабрь

¹³ Ўзбекистон овози, 2007, 13 феврал. И. А. Каримовнинг Республика Вазирлар Маҳкамасининг 12 феврал 2007 йилдаги маърузасидан.

Ҳисоблаб келтирилган макроиқтисодий маълумотлар 2015 йилга келиб мамлакатимиз эркин тадбиркорлик фаолиятининг мавки ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилиши ва кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши кутилади. Бинобарин у мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган инкирозга қарши чоралар дастурининг¹⁴ таъминланишида мустақкам ва ишончли воситасига айланади. Зеро бу даврга келиб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши – 60 фоизни ташкил этиб, инвестициялар ҳажми 2,4 мартаба, маҳсулот ва хизматлар ҳажми 2005 йилга нисбатан 2,6 мартага кўпайишининг кутилиши ва унда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан зиёдроғи фаолият юритиши соҳа самарадорлигини эътироф этади. Шу боис ишда бу салоҳиятни ҳаракатга келтирувчи маърифий кўллаб – қувватлаш механизмларининг иқтисодий, ташкилий йўналишлари кўриб чиқилган. Унда хорьжий давлатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиши ва экспортга қаратилган фаолиятни кўллаб – қувватлаш механизмларининг таъсирчанлиги умумлаштирилган. Ишда мамлакатимизда ҳам эркин тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига кўмаклашишнинг ўзига хос тизими шаклланганлиги, унда асосий эътибор корхоналарни молиявий жихатдан кўллаб – қувватлашга қаратилгани таъкидланиб, бу жараёнда соддалаштирилган солиққа солиш тизимининг ҳамда имтиёзли кредит ва уларнинг кредит ресурсларидан фойдаланишга манфаатдорлигини оширишда намоён бўлиши эътироф этилган. Эндиликда бунда солиқ – бюджет сиёсатини амалга ошириш бўйича чора – тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакат Президентининг қайд этилган маърузасида фақат 2000 – 2007 йиллар даврида хўжалик субъектларига даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермерлар учун 10 фоизга, 2008 йилда 8 фоизга, 2009 йилда – 7 фоизга туширилишини эътироф этиш, хўжалик субъектларига 2007 йилнинг ўзиде 830,0 млрд, 2008 йилда 100,0 млрд, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, нисбатан 382,0 ва 48,0 млрд сўм кўшимча молиявий ресурсларга эга бўлиши ҳисобланган.

Ишда солиққа тортишнинг амалдаги механизмларида тадбиркорлик фаолияти юксалишида кўмаклашиш имкониятларининг мавжудлиги эътироф этилган.

Шунингдек кредит бериш амалиётининг мантикий интиҳоси (яқуни), “Микрокредит банк ” акциядорлик – тижорат банки хизматлари ҳажми ҳозиргача 92,0 млрд сўм¹⁵ микдорида қайд этилиб унинг микросармойлари хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш билан бирга фермерлик ҳаракатини кўллаб – қувватлашга, уларни модернизация қилиш ва янгилашишини таъминлашга имкон яратишида кўринмоқда.

¹⁴ Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль

¹⁵ Халқ сўзи, 2009 йил 5 февраль.

Лекин эркин тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришда кредит тизимининг фаол иштироки кредит ставкаларини янада насайтиришга ва миқдорлар ишончини тўлароқ қозонишга қаратилиши долзарблигича қолмоқда.

Диссертацияда эркин тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг 60 фоизини эгаллашга қаратилган бу фаолиятни тартибга солиш функциялари турли хил кўмита, вазирлик, молиявий институтлар, ассосациялар ва жамоат ташкилотлари тасарруфида бўлиб соҳани бошқарилиши мураккаблаштириши, муаммоларни ҳал этилишини қийинлаштириши, туфайли унинг мустақил маъмурий бошқариш органи мақомига эга бўлиши зарурлиги асосланган.

Шунингдек, унда мамлакатимиз юксалишининг устувор йўналишларидан бири – кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма – босқич ўтиш жараёнида давлатнинг муайян ваколатларини нодавлат – ноғижорат бирлашмаларига, айниқса фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларига - маҳаллаларга ҳам берилиши, маҳаллалар ўзларининг ҳудудларида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, касаначилик, шахсий чорвачилик, сервис хизматини кўрсатувчи фуқароларнинг меҳнатга жалб этиш орқали ҳосил бўладиган даромадлардан солиқ юқини пасайтириш ва бошқа имтиёзлар берилиши ҳисобидан ҳосил бўладиган мустақил “Маҳалла иқтисодиёти” жамғармаси институтини шакллантириш орқали маҳалла доирасида муҳум ижтимоий – иқтисодий муаммоларни, айниқса меҳнатга яроқли аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилиши бўйича хулосалар қилинган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида олиб борилган тадқиқот ва таҳлил натижалари қуйидаги илмий – амалий хулосаларни шакллантиришга асос бўлади.

1. Соҳа фаолиятини баҳолашга қаратилган илмий – назарий ва услубий ёндашувлар, унинг мақомини ягона тартиб – жаҳон андозалари асосида эътироф этишини ҳамда хўжалик субъектларини тор доирадаги “иқтисодий категория” “ишлаб чиқариш омили” даражасида эмас, балки иқтисодиётнинг мустақил муҳим таркибий тузилмаси, - “Эркин тадбиркорлик фаолияти” мақомида баҳоланишига қаратилиши жоиз.

2. Соҳанинг таркибий тузилмасидаги бир ёқлама – кишлоқ хўжалиги, савдо ва овқатланиш тармоқларининг устунлиги, улар маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасининг пастлиги, ҳозирги замонавий юксак технологияга асосланган, айниқса саноат ишлаб чиқариш соҳасини жадаллаштиришга устуворлик беришни талаб этади.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг янги иш шаклларини – касаначилик, шахсий чорвачилик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириш, унинг жадаллашишига жиддий таъсир кўрсатиши яқин келажакда ундаги иш ўринларининг ҳисобимизга кўра - касаначиликда 450 мингтага, шахсий чорвачилик билан шуғулланишни хоҳловчилар сонини эса 3 млн. оилага етказишликга замин яратади.

4. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб – қувватлаш механизми – молия – кредит тизимидаги ижобий силжишлар, уларни кўшимча молиявий ресурсларга эга бўлишни таъминлаган бўлсаларда ҳамон солиқ юқини оғирлиги муайян хўжалик субъектларини солиқ тўлашдан бош тортишга, кредит ставкаларини юқорилиги эса кредит ташкилотларига нисбатан ишонч ва ҳамкорлик ҳиссиётини сўниб боришга асос яратмоқда.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харажатларини белгилайдиган нархлар даражаси ва уларнинг харид нархлари оралиғидаги муайян тафовутлар бозор конъюктурасини ифода этувчи талаб ва таклиф қонунига мувофиқ тартибга солишни тақозо этади.

6. Эркин тадбиркорлик фаолиятининг стратегик йўналишининг башорати унинг мавқеи 2015 йилга келиб ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилиши иқтисодийётдаги улуши 60 фоизини ва унда банд бўлган аҳолининг 65 фоизидан зиёдрогини ташкил этишини эътироф этади.

7. Истеъмолчиларнинг ижтимоий ва маънавий соҳадаги, айниқса, тарқок ҳолда сотилаётган сифатсиз товарлар ва маҳсулотлардан ҳимояланиши тартиб нормалари ва уни бузганлик учун жавобгарлик турлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларида тўла акс этирилмаганлиги, уларга махсус “Истеъмолчиларнинг ижтимоий ва маънавий ҳуқуқлари” ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик” моддалари киритилиб, уларнинг мазмун ва моҳияти, жавобгарлик турлари аниқ белгиланиши таклиф этилган. Бу жараён хўжалик суд тизимини фаоллиги ва масъулиятини оширилишини тақозо этади.

8. Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг 60 фоизидан ортиғини эгаллашга қаратилган бу кўп тармоқли фаолият турини бошқариш ва тартибга солиш функциялари турли қўмита, вазирилик, молиявий институтлар, ассосациялар ва жамоат ташкилотлари тасарруфида мужассамланганлиги у ўзининг мустақил маъмурий, марказий ва ҳудудий бошқариш органларига эга бўлишини тақозо этади.

9. Мамлакатимиз юксалишининг устувор йўналиши – кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма – босқич ўтиш мафқураси асосида давлат бошқарув органларининг муайян вазифалари нодавлат – нотижорат бирлашмалари, айниқса, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари, хусусан маҳаллаларга ҳам ўтказилиши, уларнинг ўз ҳудудларида хўжалик фаолиятини юритаётган - субъектларнинг даромадлари, солиқ юқини пасайтириш ва бошқа имтиёзлар берилиши ҳисобидан ҳосил бўладиган мустақил “Маҳалла” иқтисодийети жамғармасини шакллантириш тегишли қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топишлиги жоиз.

Бундай стратегик йўналишларнинг ҳамда тадқиқот натижаларининг таъминланиши эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш ва унинг бошқариш механизмларини такомиллаштиришга муҳим асос бўлар эди.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1.Толибжоновна В.И. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес инфратузилмасини ривожлантириш иқтисодий тараққиёт гаровидир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш муаммолар ва ҳал қилиш йўллари, мавзусидаги Республика илмий – амалий конференцияси тезислар тўплами. 2002 йил 17 сентябрь, 181- 182 бетлар.

2.Толибжоновна В.И Развитие рыночной инфраструктуры малого и среднего бизнеса в Узбекистане Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт институти «Ижтимоий фикр» жамотчиликни фикрни ўрганиш маркази, ҳамда «Фридрих Эберт номидаги жамғарма». // Ўзбекистонда мулкдорлар синфининг шаклланиши ва тадбиркорликнинг ривожланиш мавзусидаги конференция материаллари. 2002 йил, Тошкент- Берлин – Бонн. 170 – 172 бетлар.

3.Толибжоновна В.И Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодий салоҳияти ТДИУ “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. Тошкент-2004 й, 1-сон, 53- 55 бетлар.

4.Толибжоновна В.И Приватизация материальная основа развития малого бизнеса и частного предпринимательства Общественные науки в Узбекистане. Ташкент -2004, 5 – 6 сон, 65 – 73 бетлар.

5.Толибжоновна В.И Эркин тадбиркорликни бошқариш механизмини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси ФА, Иқтисодиёт институти «Ижтимоий фикр» жамотчиликни фикрни ўрганиш маркази . «Фридрих Эберт номидаги жамғарма»(Германия) // Ўзбекистонда иқтисодий тизим трансформацияси ва рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари мавзусидаги конференция материаллари. 2005 йил, 335- 337 бетлар.

6.Толибжоновна В.И Республика иқтисодиётида кичик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти. “Таълим технологиялари ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги илмий- амалий конференция материаллари. 2005 йил 8-9 апрель, 140 – 142 бетлар.

7.Толибжоновна В.И Иқтисодиётни модернизация қилиш эркин тадбиркорлик фаолияти юқсалишининг моддий асоси Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт институти «Ижтимоий фикр» жамотчиликни фикрни ўрганиш маркази. «Фридрих Эберт номидаги жамғарма»(Германия) // Ўзбекистон миллий иқтисодиётни модернизация қилиш: муаммолар, устувор йўналишлар, ечими йўллари мавзусидаги илмий конференция материаллари: 2007 йил 24 апрель, 90 – 92 бетлар.

8.Толибжоновна В.И Эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини оширишни таъминлаш механизмлари Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт институти «Ижтимоий фикр» жамотчиликни фикрни ўрганиш маркази. «Фридрих Эберт номидаги жамғарма»(Германия) // Ҳалқаро иқтисодий интеграциянинг қонунилари ва тенденциялари таъриби ва

муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент-2007, 266 – 269 бетлар.

9.Толибжонов В.И Тадбиркорлик жамият юксалишининг таянчи ва суянчи Ўзбекистонда ижтимоий фанлар илмий журнали, Тошкент - 2007, №1- сон, 39 – 46 бетлар.

10.Толибжонов В.И. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлиги шароитида эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш башорати Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, «Ижтимоий фикр» жамотчилиқни фикрни ўрганиш маркази, // Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлиқ, инвестициялар мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент – 2008, 23 апрел.- 99-102 бетлар.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Талибжонова Висола
Ибрагимжановнанинг 08.00.13 –“Менежмент ва маркетинг” иқтисослиги бўйича
“Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш ва уни
бошқариш механизмлари” мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: эркин тадбиркорлик, уй ҳўжалиги, кичик бизнес, касаначилик, корпаратив бошқарув, менежмент, иқтисодий категория, иқтисодий салоҳият, иқтисодий башорат, бозор инфратузилмаси.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон эркин тадбиркорлик фаолиятини таркиб топиши ва юксалишини таъминловчи ҳўжалик субъектлари ва иқтисодий институтлари.

Тадқиқот ишнинг мақсади: бозор иқтисодиёти шароитида эркин тадбиркорлик фаолияти салоҳиятини оширилиши ва бошқарилишининг назарий-методологик асосларини ўрганиш ҳамда унинг муаммолари ечимини таъминланиши юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усули: тадқиқот жараёнида илмий тафакурнинг тарихий – мантиқий мазмуни, иқтисодий – статистик гуруҳлаштириш, қиёслаш, эксперт, стратегик ва башорат қилиш каби таҳлилий усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi: бозор иқтисодиёти шароитида эркин тадбиркорлик фаолиятини мамлакатимизда ўзига хос хусусияталари талаб ва тақлиф қонунари асосида шаклланиши аниқланган; эркин тадбиркорлик фаолиятининг жамият иқтисодий тараққиётидаги тугган ўрнини ўрганилганлиги ва баҳо берилган; эркин тадбиркорлик фаолиятини «иқтисодий категория» тушунчасидан фарқли ўлароқ мустақил ҳўжалик субъекти сифатида баҳоланиши илмий жиҳатдан асосланган; эркин тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан унинг туркумланиши ва баҳоланишига методологик жиҳатдан янгича ёндошилган; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янги йўналишлари – касаначилик, сервис хизмати ва хусусий чорвачилик касблари ҳисобига кенгайтириш имкониятларга асосланган; эркин тадбиркорлик фаолиятининг инфраструктура таркибидаги силжишлар ва ўзаро боғланишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш унинг башорати ва салоҳиятини ошириш механизмлари тавсия этилган; эркин тадбиркорлик, фуқаролар ўзини – ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла» фаолиятини иқтисодий негизи сифатида асосланган ва таснифланган.

Амалий аҳамияти: эркин тадбиркорлик фаолиятини салоҳиятини ошириш ва бошқариш механизмлари таҳлили бўйича олинган илмий – назарий хулосалар ва амалий тақлифлар соҳанинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, қўллаб – қувватлаш дастурларини ва узоқ муддатли ривожланиш бапоратларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш имконини яратади.

Табтис этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Чилонзор тумани Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла жамғармаси”, томонидан жорий этиш учун қилинган.

Қўлланиш соҳаси: Эркин тадбиркорлик фаолияти тузулмалари, уларни қўллаб – қувватлаш мажмуалари тармоқларида тадбиркорликни ташкил этиш, бошқариш ва тартибга солиш жараёнида.

РЕЗЮМЕ

диссертация Талибжоновой Висолы Ибрагимжановны на тему: “Механизмы повышения потенциала и управления свободной предпринимательской деятельностью в Узбекистане» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности

08.00.13 – “Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: свободное предпринимательство, домохозяйство, малый бизнес, надомное производство, корпоративное управление, менеджмент, экономическая категория, экономический потенциал, экономический прогноз, рыночная инфраструктура.

Объекты исследования: Хозяйствующие субъекты и экономические институты обеспечивающие формирование и развитие свободной предпринимательской деятельности в Узбекистане

Цель работы: состоит в изучении теоретико-методологических основ повышения потенциала свободной предпринимательской деятельности и управления ею и разработке научно-практических рекомендаций по решению существующих проблем в условиях рыночной экономики.

Метод исследования: Для получения научных результатов применялись следующие методы и приемы исследования: методы историческо-логического научного мышления, методы экономико-статистической группировки, сопоставления, экспертной оценки, методы стратегического прогнозирования.

Полученные результаты и их новизна: определены особенности формирования свободной предпринимательской деятельности в стране в условиях рыночной экономики на основе законов спроса и предложения; изучена и оценена роль свободной предпринимательской деятельности в экономическом развитии общества; в отличие от понятия «экономическая категория» научно обоснована оценка свободной предпринимательской деятельности в качестве независимого хозяйствующего субъекта; по отношению к организационно-правовым основам регулирования свободной предпринимательской деятельности предложен новый подход в методологическом аспекте, её классификации и оценки; обоснована возможность расширения деятельности субъектов предпринимательства за счет новых направлений – надомного производства, сервисных услуг и частного животноводства; выведены итоги воздействия факторов производства на организацию предпринимательской деятельности; разработаны рекомендации по совершенствованию сдвигов и взаимосвязей в структуре инфраструктуры свободной предпринимательской деятельности; предложены механизмы поддержки, прогнозирования развития и повышения потенциала предпринимательской деятельности; свободное предпринимательство обосновано и классифицировано как экономическая основа деятельности органов самоуправления, «Махалли»;

Практическая значимость: исследования состоит в возможности применения полученных научно-теоретических выводов и практических рекомендаций по повышению потенциала свободной предпринимательской деятельности в совершенствовании организационной структуры, в разработке программ поддержки и перспективных прогнозов развития данной сферы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты исследования приняты для внедрения Заканадательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Совет старейшим Чиланзарского тумана, «Фондом махалля».

Область применения: в процессе формирования и управления предпринимательством в системе свободной предпринимательской деятельности, в отраслях систем их поддержки.

RESUME

Thesis of Talibzhonova Visola Ibragimzhanovna on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in economic sciences, specialty 08.00.13 "Management and marketing" on "Mechanisms of increasing of the potential and vacant business activity management in Uzbekistan"

Key words: free enterprise, house a facilities, small business, haughty production, corporate management, management, economic category, economic potential, economic forecast(prediction), market infrastructure.

Subjects of the research: Managing subjects and economic institutes providing shaping and development to vacant business activity in Uzbekistan.

Purpose of work: consists in to study theorist-methodological bases of increasing of the potential to vacant business activity and management to her and development scientifically-practically recommendation on decision existing problems in condition of market economies.

Methods of research: For reception scientific result were used following methods and receiving the study: history methods-logical scientific thinking, methods economics-statistical group, collations, expert estimation, methods of the strategic forecasting.

The results obtained and their novelty: is determined particularities of the shaping to free business activity in country in condition of market economies on base of the laws of the supply and demand; it is studied and evaluated role to free business activity in economic development society; in change from notions "economic category" is scientifically motivated estimation to free business activity as independent managing subject; to organizing-legal base of the regulation to free business activity is offered new approach in methodological aspect, her categorizations and estimations; the motivated possibility of the expansion to activity subject enterprise to account of the new directions - an haughty production, service services and quotient stock-breeding; are deduced totals of the influence factor production on organization of business activity; the designed recommendation on improvement shift and intercoupling in structure of the infrastructure to free business activity; the offered mechanisms of support, forecasting's of the development and increasing of the potential to business activity; the free enterprise is motivated and classified as economic base to activity organ home rules, "Mahalli";

Practical value: studies consists in possibility of the using got scientifically-theoretical output and practical recommendation on increasing of the potential to free business activity in improvement of the organizing structure, in development of the programs of support and perspective forecast of the development given spheres.

Degree of embed and economic effectivity: the basic results of research have been accepted for introducing by Legal House of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Council of aksakals (heads of community) of the Chilanzar region and Fund "Makallya" the study are accepted for introducing Federation society of protection of the rights of the users Uzbekistan.

Field of application: in process of the shaping and enterprise control in system of free business activity, in branch of the systems of their support.

Тадқиқотчи: